

УДК 371.8.91

Турсунов Х.Т. г.ф.н., доцент

Эргашев А., магистрант

Чирчиқ давлат педагогика университети

МАКТАБ ГЕОГРАФИЯ КУРСЛАРИДА ЭКОЛОГИК БИЛИМ БЕРИШНИНГАЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси асосида ўрта мактаб география курсларида экологик билимларни беришни такомиллаштиришнинг айрим масалалари кўрилган.

Калим сўзлар: экологик таълим, ўрта мактаб, география, концепция, геоэкология, барқарор ривожланиш, ўлкашунослик.

Tursunov Kh.T. c.g.s. associate professor

Ergashev A., master's student

Chirchik pedagogical university

ISSUES OF THE PRESENTATION OF ENVIRONMENTAL KNOWLEDGE IN SCHOOL GEOGRAPHY COURSES

Abstract: Some tasks of improving the presentation of environmental knowledge in the geography courses of secondary schools on the basis of the Concept for the development of environmental education adopted in the Republic of Uzbekistan are considered

Key words: environmental education, secondary school, geography, concept, geoecology, sustainable development, local history learning.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда экологик вазият мураккаблашиб, экотизимлар ҳолатининг салбий томонга ўзгариши жараёнлари давом этмоқда. Орол денгизи қуришининг салбий оқибатлари, иқлим ўзгариши, чучук сувларнинг етишмаслиги, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, ерларнинг деградацияси ва чўлланиши, биологик хилма-хилликни камайиб бориши, аҳоли касалланишининг ортиб бориши ва бошқа муаммолар яқин келажакда аҳоли нуфуси ошиб бораётган мамлакатимиз келажак тараққиётига жиддий хавф туғдириши муқаррардир. Шунини таъкидлаш кераки, глобал ва минтақавий миқёсдаги экологик муаммолар юртимиздаги экологик вазиятни янада кескинлашувига сабаб

бўлмоқда[3,4]. Ушбу муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишда аҳоли ўртасидаги экологик саводхонликни ошириш муҳим роль ўйнайди.

Узлуксиз экологик таълимни такомиллаштиришнинг долзарблиги мамлакатимиз табиати, экотизимлари, атроф муҳитни беқарорлик ва издан чиқишдан асраш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ушбу ўта жиддий, ҳаётий масалаларга аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар ҳисса қўшиши зарурлиги билан белгиланади. Бироқ, экологик таълимни амалга ошириш жараёнининг тизимли таҳлили экологик таълимни ташкил этишда бу борадаги ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи жиддий муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 434-сонли қарорида акс этдирилган[3].

Атроф-муҳитда амалга ошаётган салбий ўзгаришларнинг олдини олиш, иқлим ўзгаришларига мослашув, мавжуд табиий ресурслардан оқилона, самарали фойдаланишни таъминлаш таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш орқалигини етишиш мумкиндир. Ўқувчиларга ўрта таълим тизимида экологик билимларни беришда география таълимининг роли беқиёсдир. Айнан география таълимини “табиат-инсон-жамият” тизими ўзаро алоқадорлигида вужудга келадиган муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш, ўқувчи ва талабаларда экологик-географик дунёқарашни шакллантиришда етакчи аҳамиятга эга бўлиш имконияти мавжуддир. ЮНЕСКО география фанини бежиз умумий таълимнинг тарих, фалсафа, психология ва чет тиллари қатори энг аҳамиятли бешта фанлардан бири деб эътироф этмаган[2].

Экологик таълим-тарбия умумий таълим-тарбиянинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодга атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир. Экологик таълим бериш ва тарбиялаш жараёнида ёшларни яшаб турган ватанимиз бойликларини тежаб-тергашга, уни муҳофаза қилишга ўргата борилади. Экологик тарбияда ўқувчиларни ўз мактабини, яшайдиган муҳити-шаҳар ва қишлоқ кўчаларини кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, хиёбонларни, сув ҳавзаларини озода сақлаш, уй ҳайвонларига қараш каби

ишларда кучи етганча қатнашишга жалб етиш ҳам катта аҳамиятга эга. Экологик саводхонлик ва маданият, аввало, оиладан бошланади. Экологик дунёқарашни шакллантиришнинг негизи оиладаги тарбияга бевосита боғлиқдир. Агар бу масала оилада тўғри йўлга қўйилмаган бўлса, уни мактабларда, кейинги таълим босқичларида ҳамда меҳнат жараёнларида қарор топтириш қийин бўлади.

Ўрта мактаб география курсларида экологик билимларни беришни замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш ва инновацион ривожлантириш ўқувчиларда зарур экологик компетенцияларни шакллантиради. География комплекс ёндашув, табиатдаги мавжуд ўзаро боғлиқликлар, геокомпонентларнинг бутун географик қобик ривожланишидаги ўрни ва уларнинг жамиятни барқарор ривожланиши учун ресурс аҳамияти, геотизимларнинг табақаланиши, барқарорлиги ва бошқа зарур тушунчаларни беради. Таълим янгиланаётган ҳозирги даврда ўсиб келаётган авлодга табиий ва ижтимоий фанлар қиррасида ўзига хос дунёқарашни шакллантирадиган, ватанпарварлик ҳиссиётини сингдирадиган географик-экологик ёки геоэкологик фикрлаш зарурдир. Ҳозир мактабда ўқиётган ёшларни инсоният тақдирини ҳал қиладиган экологик қарорлар қабул қилишга тайёрлаб бориш зарурдир ва бу масалалар бўйича ўқитувчилар етарлича компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади. Геоэкологик билимларнинг амалий аҳамиятини ҳисобга олмаслик ва унинг оқибати сифатида инсонлар яшайдиган ҳаёт муҳитдаги мувозанатни бузилиши, табиатни ўзгартирувчи лойиҳаларни амалга ошириш ва экологик муаммоларни ҳал қилишдаги қўпол хатоликларни юзага келишида дастлабки сабаб эканлиги илмий жамоатчиликка маълумдир.

Экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълимни амалга оширишда геоэкологик таълимнинг ўрни ва роли юқори ҳисобланади. География “табиат- аҳоли- хўжалик” тизимидаги кескин муносабатларни оптималлаштиришда комплекс ёндашуви билан ажралиб туради ва юқори салоҳиятга эгадир.

Ўрта таълим тизимида сўнгги ўн йилликлар давомида экологик билимларни барча фанларга интеграция қилиш вазифасини (шу жумладан, география таълимида ҳам) амалга оширилиши деярли қониқарсиз бўлди. Ўрта мактаблар учун экологик билимларни талаб даражасида берадиган, аҳамиятга эга бўлган, кенг қўлланиладиган ўқув қўлланмалари,

хрестоматиялар етарлича яратилмади. Нодавлат экологик ташкилотлар томонидан лойиҳалар доирасида нашр этилган, айрим экологик муаммолар ёритилган қўлланмалар бундан мустасно[5].

Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини амалга оширишда аҳамиятли фаолиятни олиб бориш, ўрта мактаб таълимни экологиялаштиришда география таълими нуфузини ошириш ўқувчи-ёшларда компетенцияларини ортишига олиб келиши зарурдир.

Ўрта мактабларда геоэкологик таълимни ривожлантириш ва нуфузини ошириш учун а) мактабда геоэкологик билимларни беришни такомиллаштириш мақсадида география курслари дарсликларни мутахассислар иштирокида экологиялаштириш; б) география курсларини ўқитишда инновацион ўлкашунослик ёндашуви асосида геоэкологик таълимни ривожлантириш; с) экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълимни кучайтириш ва уни халқаро талаблар даражасига етказиш учун саъй-ҳаракатларда географик таълимнинг етакчилигини таъминлаш, ёшлар дунёқарашини ўзгартириш зарурдир. Бу фаолиятни амалга ошириш учун ҳозирда керакли имкониятлар мавжуддир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кучер Т.В. Экологическое образование учащихся в обучении географии. Пособие для учителя.-М.: Просвещение, 1990.-128 с.
2. Любарский А.Н., Тарасова Л.В. Современное географическое образование и его проблемы. Всероссийский съезд учителей географии в МГУ. 28-29 октябрь 2011 г. Материалы конференции. М.: 2011.- 88-91 стр.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 май 434-сон “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.//Lex.uz
4. 3-й обзор результативности экологической деятельности. Узбекистан. Организация Объединенных Наций.- Женева, 2020 год.- 245 стр.